

Б.Ш. Махкамов
мустақил изланувчи, ТДТУ

ЖАМИЯТНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА УЯЛИ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

В статье исследованы национальные и экономические особенности предоставления и развития услуг мобильной связи в условиях информатизации общества.

In article national and economic characteristics of introduction and development of mobile communication services in terms of informatization of society are researched.

Калитли сўзлар: *ахборотлашган жамият, алоқа, технологиялар, интернет, алоқа каналлари, самарадорлик.*

Дунёнинг глобал ахборотлашган жамияти шаклланишида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ва мамлакатимизда ахборотлашган жамиятни шакллантириш асосида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда мамлакат миллий иқтисодиётининг асосий секторларидан бири – алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, янги инновацион технологиялар киритиш, бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш, жамиятнинг ахборотга бўлган талабини қондириш мақсадида Интернет, уяли алоқа каби хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш, янги хизмат турларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Хизматлар соҳасининг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири **уяли алоқа** ҳисобланади. Уяли алоқа компанияларининг асосий вазифаси аҳоли ва жамият ишлаб чиқаришининг бу фаолият натижаси тақдим этилган уяли алоқа хизматлари ҳажми ҳисобланадиган ҳар хил турдаги хабарларни узатишга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Уяли алоқа хизматлари ҳажми симсиз алоқа каналлари бўйича ахборот узатишга бўлган ишлаб чиқариш, ижтимоий, жамият ва шахсий эҳтиёжларни қондириш даражасини тавсифлайди ва уяли алоқа корхоналари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун асос ҳисобланади.

Уяли алоқа хизмати – ҳар хил турдаги хабарлар: овозли, матнли, видео, фотосурат ва ҳ.к. қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва етказиб бериш бўйича корхона фаолиятининг якуний маҳсулидир. Уяли алоқа хизматлари алмашиниш шаклида, яъни ҳар хил турдаги ёлғиз хабарларни узатиш шаклида намоён бўлади (телефон суҳбати, Интернет-трафик мегабайтлари, видео ва фотофайллар ва ҳ.к.).

Уяли алоқа корхоналарининг муҳим вазифаси хабарларни имкон қадар қисқа вақтда ишончли етказиб бериш ҳисобланади, ишлаб чиқариш натижаси сифатида

телекоммуникация воситалари ёрдамида ахборот хабарининг жўнатувчи абонентдан қабул қилувчи абонентгача макон бўйлаб кўчиб ўтиши намоён бўлади.

Уяли алоқа хизматларини тақдим этиш – уяли алоқа корхоналарининг уяли алоқа техник воситалари ёрдамида ҳар хил турдаги хабарларни жўнатувчидан қабул қилувчига узатишнинг бажарилишини таъминлашга йўналтирилган фаолиятидир. Уяли алоқа хизматлари тақдим этишни алоҳида босқичларга ажратиш мумкин: жўнатувчи абонентдан хизматлар олишга буюртма қабул қилиш, уяли алоқа корхонасининг буюртмани ижро этиш технологик жараёни, хизмат кўрсатиш жараёни. Уяли алоқа хизматларини тақдим этиш жараёнини қуйидаги модель кўринишида акс эттириш мумкин (1-расм):



1-расм. Уяли алоқа хизматларини тақдим этиш жараёни модели

Уяли алоқа хизматларини тақдим этиш жараёнининг хусусиятлари корхонада фойдаланилаётган асбоб-ускуналарнинг тармоқ тавсифномалари ҳисобланади. Бунда уяли алоқа хизматлари тақдим этишнинг айрим технологик жараёнлари турли корхоналар томонидан бажарилиши мумкин (масалан, шаҳарлараро чақирувларни амалга оширишда қуйидагилар иштирок этади: жўнатувчи абонент бевосита унинг тармоғида қайд қилинган корхона; трафик транзити унинг асбоб-ускуналари орқали амалга ошириладиган корхона; чақирувни қабул қилувчи абонент корхонаси). Бу уяли

алоқа корхоналарининг хизматлар тақдим этиш жараёни учун умумий стандартлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Уяли алоқа хизматларининг бошқа бир хусусияти уяли алоқа хизматларини тақдим этиш ва фойдаланиш жараёнларининг мос келиши билан тавсифланади, бу эса, мос равишда, рўй бераётган технологик жараёнлар ва тақдим этилаётган хизматлар сифатини бевосита хизматни тақдим этиш маҳалида кучли назорат қилишда ифодаланади. Шунингдек, ахборотни узатишда махфийлик талаблари ҳам таъминланиши лозим.

Уяли алоқа хизматларини тақдим этиш ва фойдаланиш жараёнларини бир-биридан ажратиб бўлмаслиги вақт бўйича келиб тушадиган юкламанинг бир текисда бўлмаслигига олиб келади, бу эса истеъмолчиларнинг шахсий ва ишбилармонлик ҳаёти мароми билан изоҳланади. Уяли алоқа корхоналари юклама «чўққига чиққан» соатларда абонентларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш учун етарли даражада ишлаб чиқариш қувватлари захирасини таъминлаши лозим. Бунда уяли алоқа корхоналари тармоққа юклама паст бўлган пайтларда уяли алоқа хизматларидан фойдаланишни рағбатлантириш учун турли маркетинг акциялари ўтказилади (масалан, дам олиш кунлари ва тунги пайтда хизматлар нархининг пасайтирилиши).

Уяли алоқа учун асосий ва қўшимча хизматлар кенг номенклатураси характерли бўлиб, бундай хизматларнинг айримлари бир-бирини тўлдириши ва бир-бирининг ўрнини боса олиши мумкин. Дастлабки ҳолатда бозорда сифат кўрсаткичлари яхшилانган янги хизматлар пайдо бўлиши анъанавий хизматларга талабнинг пасайишига олиб келади. Кейинги ҳолатда эса, бир-бирини тўлдириб турадиган хизматлардан бирининг ривожланиши бошқа хизматга талабнинг фаоллашувини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда овозли уяли алоқа каби хизматлар ўз истеъмолчисини топган бўлиб, янги йўналишларни ривожлантириш зарур ва бунга уяли алоқа хизматлари тармоқларида катта ҳажмда ахборот узатишга имкон берадиган технология воситаларининг ривожланишига хизмат қилади. Асосий эътибор юқори тезликда маълумот (ахборот) узатиш технологиялари негизида контентга йўналтирилган хизматларга қаратила бошлаган. Янги, контентга йўналтирилган бизнеснинг тўлақонли ривожланиши Ўзбекистонда учинчи ва тўртинчи авлод (3G ва 4G) технологиялар пайдо бўлганидан сўнг амалга оширилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида уяли алоқа корхоналари учун хизматлар тақдим этишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган қуйидаги таснифлаш белгилари ажратилди (1-жадвал).

Уяли алоқа хизматларини таснифлаш белгилари

№	Таснифлаш белгиси	Уяли алоқа хизмати	Хизмат тавсифномаси
1	2	3	4
1.	Фойдаланувчи учун муҳимлик	Асосий хизмат	Овозли хабарлар узатиш (телефон чақирувлари)
		Қўшимча хизмат	Асосий хизматга қўшимча равишда тақдим этиладиган хизмат (видео, фото, контент-хабарлар узатиш)
2.	Хизматдан фойдаланиш характери	Доимий хизмат	Абонентга чекланмаган фойдаланиш учун хизматлар тақдим этиш (уяли алоқа тармоғига доимий уланиш имкониятини тақдим этиш)
		Кечиктирилган хизмат	Ахборот узатишда сўров ва ахборот олиш ўртасида вақт бўйича узилиш мавжуд (SMS ва MMS хабарлар узатиш ва қабул қилиш)
		Интерфаол хизмат	Олувчидан дарҳол олинадиган ахборот талаб қилинади (телефон чақирувлари)
		Тўғридан-тўғри хизмат	Сўров бўйича ахборот
		Бир марталик хизмат	Абонентнинг бир марталик талабномаси бўйича тақдим этиладиган хизмат (телефон рақамини алмаштириш)
3.	Хизматнинг янгилик даражаси	Анъанавий хизматлар	Абонентлар орасида улардан фойдаланиш кенг тарқалган ва бозорда узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган хизматлар
		Янги хизматлар	Уяли алоқа ва технологияларнинг ривожланиш жараёнида яратиладиган хизматлар
4.	Хизматлар пуллилиги	Пуллик хизматлар	Улар учун абонент пул тўлайдиган хизматлар
		Бепул хизматлар	Улар учун абонент пул тўламайдиган хизматлар
5.	Хабарлар алмашиниш характери	Иккитомонлама суҳбат хизмати	Хабарлашувчи абонентларнинг ўзаро алоқа қилишга йўналтирилади
		Икки томонлама суҳбатсиз хизмат	Фойдаланувчиларнинг ўзаро алоқаларини талаб қилмайдиган хизмат-хабарларни қайта ишлаш
		Бир томонлама	Иккита абонент мавжудлигини талаб қилмайди (Интернетга уланиш)
6.	Абонентлар тоифалари	Pre-paid хизматлар	Абонентнинг ҳисобрақамидан пул маблағлари ечиб олиш реал вақт режимида рўй беради, жумладан, роумингда кўрсатилган хизматлар учун
		Шартнома хизматлари	Абонентга аввал хизмат тақдим этилади, сўнгра пул тўланади

		Корпоратив хизматлар	Корхона (юридик шахс) билан якка тартибда шартнома тузиш асосида тақдим этилади
7.	Абонентларга хизмат кўрсатиш шакли	Абонентлик хизматлари кўрсатиш бўйича хизматлар	Мижозлар залида тақдим этиладиган хизматлар
		Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар	Ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш тизими орқали олинadиган хизматлар (Интернет-ёрдамчи, мобил ёрдамчи, сўровни белгиланган рақамга жўнатиш орқали)
		Персонал хизмат кўрсатиш хизматлари	VIP тоифадаги абонентларга персонал менежер орқали тақдим этиладиган хизматлар
8.	Хизматлар тақдим этиш комплекслилиги	Битта хизмат	Битта хизматни ўз ичига олади
		Комплексли хизматлар	Бир қатор асосий ва/ёки қўшимча хизматларни ўз ичига олади
9.	Хабарлар тури	Овозли хизматлар	Нутққа оид хабарлар узатиш
		Матнли хабарлар	Матн кўринишидаги хабарлар узатиш
		Видео хабарлар	Видеотасвирлар узатиш

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Уяли алоқа хизматларини жорий этиш ва такомиллаштириш унинг фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Замонавий уяли алоқа корхонаси фақат самарали маркетинг, сотув ва тариф сиёсати билангина чекланиб қола олмайди. Истеъмолчилар асосий ва қўшимча хизматларга ҳам, сервисга ҳам тобора қаттиқроқ талаб қўймоқда. Уяли алоқа хизматлари ривожланиши корхонанинг мавжуд ва салоҳияти мижозлар томонидан қўйилadиган зарур талабларига мос келишига имкон беради. Бу эса, мос равишда, корхонанинг ҳам молиявий, ҳам натурал кўрсаткичлари динамикасида ижобий акс этади ва корхонанинг бозордаги фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келади.

Юқорида белгилаб берилган уяли алоқа хизматларининг айрим хусусиятлари мавжудлиги фаолият самарадорлигини ошириш учун ўзига хос бошқарув механизмларини шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кузовкова Т.А. Прогнозирование объемов услуг связи на основе модульного принципа метода управляемого прогноза. - М.: ЦНТИ «Информсвязь», 2011.
2. Махкамов Б.Ш. Ўзбекистонда уяли алоқа хизматларининг инновацион ривожланиши. Т.: //Иқтисодиёт ва таълим. 2009. № 6, 142-146.

3. Махкамов Б.Ш. Особенности развития рынка мобильных услуг в Узбекистане. Т.: // Журнал налогоплательщика. 2010, № 2 (24), 33-34.

4. Ратынский, М.В. Основы сотовой связи. /Под ред. Д.Б. Зимина. - М.: Радио и связь, 2009. - 274 с.